

Риёзус солиҳийн шархи / Риёзус солиҳийн шархи / 534-ҳадис

534 - عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «لَيْسَ الْغَنَى عَنْ كَثْرَةِ الْعَرَضِ، وَلَكِنَّ الْغَنَى عَنِ النَّفْسِ». مُتَفَقُّ عَلَيْهِ [خ 6446، م 1051].

«العرض» بفتح العين والراء: هو الماء.

534. Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

Набий соллаллоху алайҳи васаллам:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам: **«Бойлик матоҳнинг кўплигига эмас, балки бойлик нафснинг тўқлигидадир»**, дедилар».

Муттафақун алайҳ.

Шарҳ: Бойлик матоҳнинг кўплигига эмас, балки назарнинг тўқлигидадир. Беҳисоб мол-дунёси бўла туриб, тийиннинг устида етти думалайдиган назари оч бандалар қанчадан-қанча. Аммо мол-дунёси кам бўлса ҳам, хотиржам бўлган назари тўқ инсонлар қани?

Сабр Аллоҳ таоло томонидан бандага инъом этилган энг катта ва кенг ато ҳисобланади. Сабрли киши ризқнинг озига ҳам, йўқчиликка ҳам чида бўзини хор қилмай, бошини тик тутиб кун кўради. Сабр неъматидан бебахра банда эса дунёнинг ярмига эга бўлса ҳам, тийиннинг устида умбалоқ ошиб бўзини хор қилади, очкўзлигини билдириб қўяди.

Ҳақиқий бойлик молу-дунёнинг кўплигига эмас, нафснинг тўқлигидадир.

Ушбу таълимотларни ҳар бир мусулмон яхшилаб ўрганиб, ўзига сингдириб олиши ва ҳаётга татбиқ қилиши лозим. Ана шундагина орамизда беш танга пул куйига тушиб одам ўлдирадиганлар, ўғрилик, порахўрлик, рибоҳўрлик қиладиганлар, фирибгарлик, алдамчилик, ёлғончилик ва бошқа разолатларни қиладиганлар қолмайди.

Манба: hadis.islom.uz

